

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ
ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И

2023 йил июнь ойининг 27 куни, Бухоро вилоят суди, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, апелляция инстанциясида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Ш.Қувватов,

Ҳайъат аъзолари: Ш.Тўхтаев ва З.Шеровлардан иборат таркибда, вилоят суди судья катта ёрдамчиси Ш.Алмосовнинг котиблигида, тарафлардан Бухоро вилоят прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори А.Эргашев, судланувчи З.Ҳожиев ва унинг ҳимоячиси, адвокат З.Ҳасанова ҳамда жабрланувчи З.Тоҳировлар иштирокида, жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 2023 йил 4 апрелдаги ҳукмига нисбатан судланувчи З.Ҳожиев томонидан келтирилган шикоятни жиноят иши билан биргаликда апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 2023 йил 4 апрелдаги ҳукмига кўра

1985 йил 8 майда Шофиркон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали 3 нафар фарзанди бор, ишсиз, муддатсиз 2-гуруҳ ногирони, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2019 йил 23 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 3 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, 608.190 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима 2020 йил 10 январда тўлиқ тўланган;

2) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2020 йил 12 июндаги ҳукмига кўра ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари ва 233-моддаси 1-қисми билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига судланган;

3) жиноят ишлари бўйича Жондор тумани судининг 2022 йил 21 июлдаги ҳукмига кўра ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси



2-қисми “а” банди билан 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2022 йилнинг 20 сентябрдаги ажримига асосан ҳукм ўзгартирилиб, унга ЖКнинг 59-моддаси тартибида 13.380.000 сўм жарима жазоси тайинланган, ЖК 62-моддасига асосан тайинланган жарима жазосини ўталган деб ҳисобланган ҳамда ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2020 йил 12 июндаги ҳукмига кўра тайинланган ва ўталмай қолган 2 йил 2 кун озодликни чеклаш жазосини ўташ давом эттириши белгиланган, Шофиркон тумани “Жўйнав” маҳалла фуқаролар йиғини Вардонзе қишлоғи

125-уйда яшаган, эҳтиёт чораси сифатида 2023 йил 28 январдан буён қамокда сақланаётган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхаларини ўз вақтида олган

Ҳожиёв Замон Жаҳонович (Hojiyev Zamon Jahonovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 228-моддаси

2-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 168-моддаси

3-қисми “б” банди билан шу кодекснинг 57, 57²-моддалари тартибида

1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 228-моддаси

2-қисми “а” банди билан шу кодекснинг 57, 57²-моддалари тартибида

2 йил озодликни чеклаш, ЖКнинг 59, 57², 61-моддалари тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 2 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси, ЖКнинг 62-моддасига асосан унинг қамокда бўлган 67 кун чегирилиб ўташ учун 2 йил 3 ой 23 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилган, шунингдек мазкур кодекснинг 59-моддаси 8-қисми ва 60-моддаларига асосан узил-кесил 3 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Ҳукм қонуний кучга киргач, зарарни қоплаш мақсадида Бухоро вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига топширилган 30 млн. сўм пулларни жабрланувчи З.Тохировга олиб бериш ва шу билан З.Тохиров ҳамда жабрланувчи Ф.Фазлиевларга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинган.

Суд ҳукмига кўра, судланувчи З.Ҳожиёв муқаддам бир неча бор судланган бўлишига қарамай, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, хавфли рецидив бўлган ҳолда, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил 28 январь кун фуқаро Фазлиев Ёзиддин Хайриддин ўғлига жами 20 млн. сўмлик маиший техника воситаларни олиб беришни ваъда қилиб, таъминотчи



сифатида у билан шартнома тузиб, ўзининг жиноий мақсадини амалга ошириш учун 07.02.2020 йил “Халқ банки” Жондор тумани филиали томонидан кредит ҳисоб рақамидан “XURSHEDI JANON” МЧЖнинг 202080009008892010001 ҳисоб рақамига 20 млн. сўм миқдоридаги пулларни кўчириб олишга эришиб, бугунги кунга қадар маҳсулотларни етказиб бермасдан, пулларни ҳам қайтармасдан келаётганликда;

шунингдек, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб,

2020 йил февраль ойида АТ “Халқ банки” Гала-Осиё филиали томонидан Фазлиев Фазлиддин Хайриддин ўғлига маиший техника воситаларини олиб беришни ваъда қилиш билан алдаб, унинг ишончини суиистеъмол қилган ҳолда унинг кредит расмийлаштирилишига ҳамда ўзига тегишли бўлган “XURSHEDI JANON” МЧЖ ни таъминотчи сифатида кўрсатиб у билан шартнома тузишга эришган ва АТ “Халқ банки” Гала-Осиё филиалидан

20 млн. сўм кредит пулларини ўзининг ҳисоб рақамига кўчириб, Ф.Фазлиевга маиший техника воситаларни олиб бермасдан пулларни ўз эҳтиёжига сарфлаб юбориб, такроран фирибгарлик жиноятини содир қилиб, Ф.Фазлиевга 40 млн. сўмлик моддий зарар етказганликда;

бундан ташқари, Ҳожиёв Замон ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, фуқаро Тохиров Зуфар Зокир ўғлига жами 30 млн. сўмлик совун ишлаб чиқарувчи ускуна ва мишалкаларни сотишга келишиб, ўзининг жиноий мақсадини амалга ошириш учун “Murod Nur Business” МЧЖ ва “Romitan Gold Star” оилавий корхонаси ўртасида 02.02.2021 йилда тузилган №1-сонли олди-сотди шартномасига асосан бирор-бир расмий ҳужжатда қайд қилинмаган ўзи томонидан сохталаштирилган 2021 йил 6 апрель куни “Мурод Нур бизнес” МЧЖнинг 04/1-сонли ҳисоб варақ-фактурасини қалбаки эканлигини била туриб тақдим этиб, 12.04.2021 йилда “Romitan Gold Star” оилавий корхонаси ҳисобидан “Murod Nur Business” МЧЖ ҳисоб рақамига 30 млн. сўм миқдоридаги пулларни кўчириб олишга эришиб, бугунги кунга қадар маҳсулотларни етказиб бермасдан, ушбу пулларни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб З.Тохировга жами 30 млн. сўмлик моддий зарар етказиб фирибгарлик жиноятини содир қилганликда айбланган.

Судланувчи З.Ҳожиёв шикоятда ва судда шикоятини қувватлаб берган кўрсатувида суд томонидан унга нисбатан жазо тайинлаш қоидалари бузилганлиги, ЖК 62-моддасига кўра ўталган жазо якуний жазодан чегирилиши лозимлиги ҳақида важлар келтириб, биринчи инстанция судининг



хукмини бекор қилиб, ишни тўлиқ ва холисона кўриб чиқишни сўраган.

Судлов ҳайъати, апелляция шикоятни юзасидан судья Ш.Қувватовнинг маърузасини, давлат айбловчиси А.Эргашевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятни қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги фикрини, судланувчи З.Ҳожиёв ва унинг ҳимоячиси, адвокат З.Ҳасановаларнинг келтирилган шикоятни қаноатлантириш, бундан ташқари унга ЖКнинг 228-моддаси билан нотўғри айб эълон қилинганлиги ҳақидаги ҳамда жабрланувчи З.Тоҳировнинг унга етказилган зарар қопланмаганлиги сабабли З.Ҳожиёвга қонуний чора кўриш ҳақидаги музокараларини эшитиб, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни шикоят билан биргаликда ўрганиб чиқиб, шикоятни қисман қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган судланувчи З.Ҳожиёв биринчи босқич суди унга нисбатан жазо тайинлашда хатоликка йўл қўйиб, аввал ЖК 62-моддаси тартибида қамоқда ўтирган кунини чегириб, сўнг ЖК 59-моддаси 8-қисми ва 60-моддаси тартибида яқуний жазо тайинлаганлигини, аслида яқуний жазо тайинлагандан сўнг қамоқда ўтирган муддат чегирилиши лозимлигини, бундан ташқари у тергов органи томонидан йўл қўйилган камчиликлар борасида прокуратурага ҳам ариза ёзиб берганлигини, айти вақтда унинг аризаси бўйича хизмат текшируви тайинланиб, зарур суриштирув ишлари амалга оширилаётганлигини, Ф.Тоҳировга берган ҳисоб-варақ фактураси асл эканлигини, бу ҳужжат бўйича экспертиза тайинланиши лозимлигини, фақатгина у ўша вақтда пандемия бўлганлиги сабабли юк ташувчи логистика компаниялари йўлда қийналмасликлари учун маҳсулотни етказиб бермасдан туриб, олдиндан имзоланган, лекин ичи бўш ҳисоб-варақ фактурани тақдим этганлигини, буни тан олишини, бу имзолар ўзига тегишли эканлигини, усқунани етказиб бера олмаганлигини, лекин пулларини олганлигини ва ўз эҳтиёжига сарфлаганлигини, тергов ва биринчи босқич судида иш тезроқ яқунланиши учун айбга иқрорлик келшиувини тузганлигини билдириб, иш юзасидан адолатли қарор чиқаришни сўраб кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган жабрланувчи Ф.Тоҳиров кир совун ишлаб чиқариш усқунаси ва мешалка учун пул кўчирганидан сўнг қарийб 1 ой давомида З.Ҳожиёвни топа олмаганлигини, чунки З.Ҳожиёвнинг корхонаси ҳам, биноси ҳам, аниқ иш жойи ҳам йўқлигини, ҳисоб-варақ фактурани у хталаштирамаганлигини, уни З.Ҳожиёв берганлигини, бугунги нга қадар у усқунани ҳам, пулни ҳам олмаганлигини



билдириб, З.Ҳожиёвга нисбатан қонуний чора кўриб, унга етказилган зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи З.Ҳожиёвнинг айби, гарчанд у ўз айбига иқроор бўлмаса-да, иш бўйича тўпланган ҳамда биринчи ва апелляция инстанциялари судлари томонидан текширилган далиллар, хусусан жабрланувчи З.Тоҳиров, Ф.Фазлиёвлар ҳамда гувоҳларнинг дастлабки суриштирув, тергов ва суд мажлисида берган кўрсатувлари, нарсани кўздан кечириш ва олиш баённомаси, юзлаштириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Бундан ташқари, судланувчи З.Ҳожиёв дастлабки тергов давомида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган зарарларни қоплаганлигини, терговга кўмаклашишини билдириб, бу ҳақда 26.02.2023 йилда тергов органига илтимоснома тақдим қилган ва у билан айбга иқроорлик тўғрисида келишуви тузилган.

Натижада 2023 йилнинг 26 февраль куни Ромитан туман прокуратураси томонидан айбга иқроорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилинган.

Ўз навбатида, биринчи босқич суди ҳам судланувчи З.Ҳожиёв билан айбга иқроорлик тўғрисида келишув тузилганлиги боис, унга ЖКнинг 57²-моддасига риоя қилган ҳолда жазо тайинланган

Шуларга кўра, судлов ҳайъати, судланувчи З.Ҳожиёвнинг унга ЖКнинг 228-моддаси билан нотўғри айб эълон қилинганлиги мазмунидаги важларини муҳокама қилиб, ушбу важлар ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмайди деб, улар судланувчи томонидан жавобгарликдан қутулиш мақсадида ўйлаб топилган деб ҳамда уларни иш юзасидан тўпланган, юқорида бирма-бир санаб ўтилган далиллар мажмуи билан тўлиқ инкор қилинади деб ҳисоблайди.

Биринчи босқич суди, З.Ҳожиёвнинг айбидан ЖКнинг 228-моддаси

3-қисмини чиқариб, унинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 228-моддаси

2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилган ва унинг оилавий шароитини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини, иш бўйича жабрланувчиларга етказилган зарар миқдори ва унинг қопланганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57, 57², 59-60-моддалари тартибида озодликни чеклаш жазоси тайинлаш хусусида тўғри хулосага келган.



Бирок, суд З.Ҳожиёвга ЖК 59-моддасига асосан тайинланган жазодан унинг қамокда бўлган вақтини ЖК 62-моддаси тартибида чегириб, сўнгра ЖК 59-моддаси 8-қисми ва 60-моддаси билан якуний жазо тайинлаб хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 468-моддасига кўра айблов ҳукмининг қарор қисмида судланувчи айбли деб топилган ҳар бир жинояти учун тайинланган жазо тури ва меъёри, Жиноят кодексининг моддаларига мувофиқ узил-кесил тайинланган ва ўталиши лозим бўлган жазо чораси, шунингдек ушлаб турилган ёки қамокда ёхуд уй қамоғида сақланган вақтни жазо тайинлашда жазо муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 53-бандида ЖК 59-моддасининг саккизинчи қисмига мувофиқ тайинланган узил-кесил жазо муддатини белгилашда биринчи ҳукм бўйича ўталган жазо ҳисобга олиниши, 58-бандида эса ЖК 59-моддасининг 8-қисмига мувофиқ, жиноятлар мажмуи билан тайинланган тайинланган озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддатининг бошланиши биринчи ҳукмга кўра қамокқа олинган кундан, ЖК 60-моддаси қоидаларига мувофиқ бир неча ҳукм юзасидан тайинланган узил-кесил жазо муддати эса охириги ҳукм бўйича қамокқа олинган кундан бошлаб ҳисобланиши кўзда тутилган.

Ўз навбатида, ЖКнинг 62-моддасида эса, суд жазо тайинлаш чоғида ушлаб туришнинг, қамокқа олишнинг ёки уй қамоғининг ҳар бир кунини озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштириб ҳисобга олиши кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган қонун талабидан келиб чиққан ҳолда судлов ҳайъати, судланувчи З.Ҳожиёвга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а” банди ҳамда 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазони ўзгаришсиз қолдирган ҳолда унга дастлаб ЖК 59-моддаси 8-қисми ва 60-моддаларига асосан жазо тайинлаб, шундан сўнг ЖКнинг 62-моддасини қўллаб унинг қамокда ўтирган муддатини жазодан чегириб, ҳукмни қонунга мувофиқлаштиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497², 497^{17,19,26,31}-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги

-сонли Қарорига амал қилиб, апелляция судлов ҳайъати



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 2023 йил 4 апрель кундаги Ҳожиёв Замон Жаҳоновичга нисбатан ҳукми ўзгартирилсин.

Ҳукмнинг Ҳожиёв Замон Жаҳоновични Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а” банди айбли деб топиш, унга шу моддалар ҳамда ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жазо тайинлаш қисмлари ўзгаришсиз қолдирилган ҳолда З.Ҳожиёвга ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 60-моддаси тартибида 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида З.Ҳожиёвга нисбатан тайинланган жазодан унинг 2023 йил 28 январь кунидан 4 апрель кунига қадар қамоқда бўлган 67 кун озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегириб ташлансин ва унга ўташ учун узил-кесил 3 (уч) йил 3 (уч) ой 23 (йигирма уч) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи: ИМЗО

Ш.Қувватов

Ҳайъат судьялари: ИМЗО

Ш.Тўхтаев

ИМЗО

З.Шеров

Нусхаси аслига тўғри.

Маърузачи судья:

Ш.Қувватов

Маърузачи: Қувватов Шавкат Чориевич

